# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2018 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 134 (13.731)

Баҳоси эркин нархда


# ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, соҳанинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлигининг бошқарув тизими такомиллаштирилди, асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Яқинда вазирлик раҳбариятида ўзгаришлар амалга оширилиб, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди.

Йиғилишда ушбу кўрсатмалар асосида ишлаб чиқилган халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим тизими инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пойдевори, мактаблар ёшларда билим, дунёқараш ва маънавият асосларини шакллантирувчи асосий маскан эканини таъкидлади.

Бугун мамлакатимиздаги 9,7 минг мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, кейинги йилларда коллеж ва лицейларга кўпроқ эътибор қаратилиб, умумтаълим мактабларини замон талабларига мослаштириш, уларни яхлит тизимга бирлаштириш масаласи четда қолди. Ушбу тизимга бюджет маблағлари охирги навбатда ажратиб келинди, халқ таълими ходимлари ўз вазифасидан ташқари бошқа ишларга мунтазам жалб қилинди. Оқибатда таълим сифати пасайиб кетди.

Ўқитувчилар болалар билан ишлаш ўрнига, ота-оналардан пул йиғиш, турли текширувчи комиссияларни "рози қилиш" билан овора бўлиб қолди. Бу эса, давомат тушиб кетиши, ўқувчиларнинг қаровсиз қолиши, тарбияси бузилиши ва айрим ҳолларда турли зарарли оқимларга қўшилиши ҳолатларини келтириб чиқарди.

Ҳозир замоннинг ўзи "инсон капитали"га сармоя киритишни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Негаки, бугун сармоядор илгаригидек арзон иш кучи бор жойга пул тикаётгани йўқ. Сабаби, шиддатли илмий-техник тараққиёт малакасиз ишчига эҳтиёжни кескин камайтириб юбормоқда.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига ушбу тизимда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари масаланинг кўлами ва таълим тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойликдан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши ўртача ойликнинг атиги 79 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш учун уларни бегона ишларга жалб қилишни, фаолиятини текширишни чеклаш керак. Бунинг учун ўқитувчининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган махсус ҳуқуқий хизматни шакллантириш, ижтимоий роликлар яратиб, уларнинг обрўсини ошириш зарур.

Айни пайтда умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарларига қўйиладиган талабни қайта кўриб чиқиш лозим. Яъни, ҳақиқий бошқарувчи (менежерлик) қобилиятига эга бўлган кадрларни директорликка тайинлаш, маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлар масъулиятини кескин ошириш, сертификация тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу мактабларда ички жамоавий назорат тизимини яхшилашга хизмат қилади. Намунавий мактабларни кўпайтириш учун уларнинг рейтингини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими тизимида молиялаштириш қониқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлаб, ўтган йили соҳага ажратилган бюджет маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 4,1 фоиздан 3,8 фоизга камайганини қайд этди. Шунинг учун Молия вазирлиги 2019 йилги Давлат бюджетини шакллантиришда мазкур соҳанинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Давлатимиз раҳбари тизимга юқори малакали мутахассислар жалб қилишни, Халқ таълими вазирлиги ҳузурида уларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этишни таклиф қилди.

Яна бир муаммо мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бир неча давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилганига қарамай, уларнинг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда қолаётганидир. Асосий сабаб эса қурилиш-таъмирлаш ишларига "нопок" пудратчилар жалб этилаётганида. Шу муносабат билан тегишли мутасаддиларга халқ таълими тизимида махсус инжиниринг компанияси ташкил этиш бўйича таклиф бериш топширилди.

Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим сифатини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ўқувчининг ҳар бир синфда қайси кўникмаларга эга бўлишни инобатга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш керак. Олий ва мактабгача таълим тизимлари билан узвийликни таъминлашга ҳам эътибор бериш лозим.

Шу билан бирга, энг замонавий услублар асосида дарсликлар яратиш ва чоп этиш, мактабларда технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтириш, уларга тааллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш керак бўлади. Бу ўқувчиларда кўпроқ мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимиз таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, ўқув жараёнини самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш учун ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаблар бўйича маълумотлар базаларини яратиш, уларни марказлаштириш керак. Ўқувчиларни биринчи синфга қабул қилиш, мактабдан мактабга кўчириш ва бошқа хизматларни электрон шаклга ўтказиш фақат қулайлик яратади. Электрон шаклдаги фаолиятга ўтилса, ўқитувчилар соатлаб ҳужжат тўлдириши, қоғозбозлик билан шуғулланишига ҳожат қолмайди. Маълумотлар базаси ўқувчиларни идентификациялаш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа тизимлар билан боғлаш имконини беради.

Бунинг учун мактабларни интернет тармоғи билан қамрашни кенгайтириш талаб этилади. Ҳозирги кунда бу борадаги кўрсаткич, афсуски, атиги 7 фоиз бўлиб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш, бунда тизимни бошқариш бўйича барча даражадаги ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар умумий ўрта таълим соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш, таълим сифатини кескин яхшилаш, ўқитувчилар обрўсини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқув-тарбиявий ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, раҳбар ходимларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш мазкур соҳада мутлақо янги тизим шаклланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўқувчи мактабни баркамол, мустақил ҳаётга тайёр инсон бўлиб битириши ўқитувчининг фаолиятига бевосита боғлиқ. Шундай экан, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини юксалтириш ана шу эзгу орзу-умидларимизга эришишнинг муҳим асосидир.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликларни ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ноёб ботаник коллекцияларни сақлаш шароитларини яхшилаш, ўсимлик дунёсини ўрганиш, сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ихтисослашган вазифаларни жадал ҳал этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг (кейинги ўринларда – Институт деб юритилади) илмий фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институтни Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганиш соҳасидаги ягона давлат илмий муассаса сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Институтнинг ноёб илмий объекти "Марказий гербарий" миллий аҳамиятга эга гербарий деб тан олинсин ва унга "Ўзбекистон миллий гербарийси" (кейинги ўринларда – Миллий гербарий) номи берилсин.

3. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Миллий гербарийнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича 2018-2020 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Институт ва Фанлар академияси Миллий гербарийни махсус асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида илмий ва компьютер ускуналари, приборлар, реагентлар, бутловчи қисмлар, сарфлаш материаллари, дастурий таъминотлар ва техник воситаларни халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектлари реализациясидан тушган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўрнатилган тартибда харид қилсин.

5. Институт таркибида:

ноёб ва эндем ўсимлик турлари бўйича мақсадли илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби нашрларини халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш вазифалари юклатилган ноёб ўсимликлар турлари кадастри ва мониторинги лабораторияси;

Ўзбекистон табиий флорасининг таксономик хилма-хиллигини хатловдан ўтказиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш, ўсимликларнинг инвазив турлари таркибини ва географик тарқалишини белгилаш, алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш ҳамда ўсимликлар дунёсининг замонавий номенклатураси ва филогенетик тизимий асосида "Ўзбекистон флораси"нинг янги нашрларини тайёрлаш вазифалари юклатилган Ўзбекистон флораси лабораторияси;

Институтнинг илмий-тадқиқот ва ўқув-амалий фаолиятидаги ютуқларини оммалаштириш, шунингдек, кенг жамоатчиликни Ўзбекистоннинг ўзига хос ўсимликлари хилма-хиллиги билан таништириш мақсадида Ботаника музейи ташкил этилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

**АЭС – цивилизацион тараққиёт белгиси**

## ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА ЗАРАРСИЗ ЭНЕРГИЯ

### У ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Ўзбекистонда 85 фоиз электр энергияси газ, кўмир ва мазут каби углеводородларни ёқиш ҳисобига иссиқлик электр станцияларидан олинади. Қолган қисми эса гидроэлектр станциялар ҳисобига тўғри келади.***

Зеро, табиий газни электр энергия учун ёқиб юборгандан кўра, уни саноатда хомашё сифатида ишлатиш ёки чет мамлакатларга экспорт қилиш мамлакатга фойда келтирган бўлар эди. Мисол учун, Бирлашган Араб Амирликлари бой нефть захирасига эга бўлишига қарамай, 4 атом электр станцияси қуришни режалаштирган.

Президентнинг 2017 йил 2 майдаги "2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ янги гидроэлектростанциялар қуриш ва мавжудларини техник қайта жиҳозлаш орқали 2025 йилга келиб, 2016 йил ҳисобидан гидроэнергияни 1,7 баробар ошириш мўлжалланган. Лекин гидроэнергиянинг умумий энергетикадаги улуши кўп эмаслиги ҳамда Ўзбекистон сув ҳавзаларининг мавсумий ўзгариб туришини инобатга олсак, қарорда кўзда тутилган чора-тадбирлар мамлакатимиз энергетикаси муаммосини фақат қисман ҳал этиши мумкин.

Аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжи кун сайин ошиб боряпти. Шуни инобатга олиб айтиш мумкинки, юртимизда атом электр станцияси (АЭС) қуриш бу борадаги вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 10 июль куни мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда давлатимиз раҳбари шундай объектларни қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Маълумки, атом электр станцияси қуриш ва ундан фойдаланишда энг замонавий ва мураккаб технологиялар қўлланилади. Бунинг учун эса чуқур билим ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар керак. Шу боис Тошкентда физика соҳасида дунёда етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг бу борадаги тутган ўрни жуда катта аҳамият касб этади. Ядро физикаси институти олимлари АЭС қурилиши лойиҳасининг асосий ташкилотчиларидан биридир. Шунингдек, АЭСни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш учун минглаб мутахассислар тайёрлаб беришга масъул муассаса ҳисобланади. Бунинг учун келгусида Ўзбекистоннинг бир қатор олий таълим даргоҳларида ядро физикаси кафедраларини очиш устида иш олиб борилмоқда.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда атом электр станциясининг ишга туширилиши мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий жиҳатдан юксалтиради.

**С.ЭГАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий котиби, физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим**
**ЎзА**

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**




***Сира ёдимдан чиқмайди. Университетнинг 4-босқичида ўқиб юрган кезимиз таниқли публицист, қалами ўткир устозимиз ҳафтанинг ҳар душанба ва сешанба кунлари дарсга кирарди.***

## ИЖОДИЙ ИМТИҲОН: У ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Мазмунли дарсларнинг бирида устоз "бугун нега айнан журналистика факультетига кирганингиз ва шу соҳани танлаганингиз, келгуси режалар ҳақида ижодий иш ёзасиз, фақат ҳақиқатни яширмай рўй-рост ёзинг", деб вазифа берди.

Ҳамма устозни ҳурмат қилгани учунми ёки эрта-индин битираман, энди ортиқча жимжимадор фикрларнинг кераги йўқ, дедими ҳар тугул пафосларга берилмай қоғоз қоралашга киришди. Келгуси дарс ижодий ишларни ўқиб келган устознинг қадди янаям букилгандек, кўзлари, нигоҳларига ғам оралагандек туюлди менга.

Боиси ижодий ишларнинг ярмидан ошиғи телевизорда фалон журналистнинг чиройли гапиришига ҳавас қилганим, мактабда тадбирларда жуда яхши шеърлар ўқиганим, бошқа "баландроқ" университетга кира олмаганим, дипломли бўлиш учун каби фикрлар билан тўлиб-тошган, келгуси режалар ҳақида эса мавҳумий фикрлар битилган эди. Тўғри, ишлар орасида бир-иккита талабаларнинг тиниқ фикрлари, келгусидаги аниқ ҳаётий, касбий режалари туширилган ижод намуналари ҳам бор, бироқ эрта-индин диплом олиш арафасида турган журналистлар учун бу миқдор жуда-жуда камчиликни ташкил этарди.

*(Давоми 2-бетда)*

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

**• Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида ўқув-семинар ташкил этилди. Семинар доирасида вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, бандлик бош бошқармаси томонидан тумандаги "Иттифоқ" маҳалласида меҳнат ярмаркаси уюштирилди. Унда вилоятдаги 50 корхона-ташкилот ва муассаса 1 минг 280 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 340 нафар ёшга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

**• Дўстлик тумани Манас қишлоғида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди. Бу ерда "Обод қишлоқ" дастури доирасида 20 хонадонга мўлжалланган икки қаватли 1 ва 2 хонали жами 20 хонадондан иборат уй давлат бюджети ҳисобидан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди ва эҳтиёжманд 20 оилага совға қилинди.**

**• Қизилтепа туманида балиқчиликка ихтисослашган "Gold Like Fish" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Корхона "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан шартнома асосида балиқ парваришлаш учун Тўдакўлни ўн йилга ижарага олди. Ҳозирги кунгача балиқ боқишга мўлжалланган 300 та қафас кўлга ўрнатилиб, ҳар бирида 2 минг 250 донадан "Карп", "Зоғора", "Оқ амур" каби балиқ турлари парваришланмоқда. Йил охирига қадар боқилиб, оғирлиги 1-1,5 килограммга етган балиқлар сотувга чиқарилади.**

**ЖАҲОНДА**

**• Таиланддаги сув босган ғордан уч кунлик ўта мураккаб операция давомида қутқариб олинган 12 нафар ёш футболчи ва уларнинг мураббийи касалхонадаги реабилитация жараёнидан муваффақиятли ўтди ва ҳозирда уларнинг соғлигига ҳеч нарса хавф солмаяпти. Фақат жабрланганлар маълум муддат давомида шифокор назоратида бўлишади. Таъкидлаш жоизки, қутқарув ишлари жараёнида 38 ёшли аквалангчи ҳаётдан кўз юмди.**

**• Покистоннинг Карачи шаҳридаги истироҳат боғларининг бирига ўрнатилган занжирли айланма арғимчоқнинг қулаб тушиши саккиз ёшли қизалоқнинг умрига зомин бўлди, 20 нафар одам жароҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

6. Фанлар академияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг Фанлар академиясини Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, чоп этиш ва юритиш тартибини тасдиқласин.

7. Илмий бўлинмаларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

Институтнинг ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораторияси, "Ғўза генофонди" ноёб илмий объекти ва иссиқхона комплекси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига;

Институтнинг анатомия ва цитоэмбриология, дарахт ва ўт ўсимликлари интродукцияси, шунингдек, доривор ўсимликлар лабораториялари академик Ф.Н.Русанов номидаги Ботаника боғига ўтказилсин.

8. 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганиш ва сақлаб қолиш соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларини ривожлантириш, шунингдек, салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Институт, Миллий гербарий ва Ботаника музейини жойлаштириш учун янги замонавий бинони (кейинги ўринларда – объект) академик Ф.Н.Русанов номидаги Ботаника боғи ҳудудида қуриш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Қуйидагилар:

а) объект бўйича:

"Inkom kapital qurilish" инжиниринг компанияси – буюртмачи этиб;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари якунлари бўйича аниқланган ташкилотлар – бош лойиҳачи ва бош пудратчи этиб;

б) ҳар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ажратиладиган капитал қўйилмалар лимитлари – лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектга доир қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича ишларни молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021-2023 йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан объект бўйича қурилиш-монтаж ишларини ўтказиш учун капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатлардаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан Институтнинг ҳамкорлигини кенгайтириш чораларини кўрсин, шунингдек, Институт негизида ўсимликларнинг молекуляр филогенияси, биогеографияси, хемотаксономияси ва ўсимликлар оламининг бошқа йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган қўшма илмий лабораториялар ташкил қилиш учун грант маблағлари жалб этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу бандда назарда тутилган қўшма илмий лабораторияларни ташкил этишда Институтнинг ишчилари ва илмий ходимлари умумий чекланган сонини кўпайтириш ҳуқуқи берилсин.

13. Белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Институт томонидан олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган илмий ва компьютер ускуналари, приборлар, реагентлар, бутловчи қисмлар, сарфлаш материаллари, дастурий таъминотлар ва техник воситалар 2021 йил 1 июлгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3256-сонли қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Фанлар академияси икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С.Р.Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Б.С.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 17 июль*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ФОНД МАБЛАҒЛАРИ ҚАЙСИ МАҚСАДЛАРГА САРФЛАНДИ?

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Парламент комиссияси томонидан ҳудудларда Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни ва Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларнинг жойларда бажарилишини ўрганиш мақсадида тадбирлар ташкил этилди.

Бу тадбирлар давомида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик маслаҳат органлари фаолиятидаги иштироки ўрганилди.

Ҳудудларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар ўрганиб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Болаларни ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлимига марказ ташкил этиш учун "ноль" қийматда бино ва 2015 йилда 100 миллион сўм, 2017 йилда 43 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бухоро вилоятида 2017 йилда 6 та ННТга 400 миллион сўмлик мулкий ёрдам кўрсатилган. Навоий вилоятида 2018 йилда 4 та ННТга 180 миллион сўм маблағ берилган. Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан Боёвут тумани ногиронлар жамиятига 16,5 гектар ер, Янгиер кўзи ожизлар жамиятига шаҳар ҳокимлиги биносидан 2 та хона, Хоразм вилоятида "VETERAN" жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмасининг Урганч, Гурлан туманлари кенгашлари фаолияти учун бинолар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги қарори асосида давлат бошқаруви органлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмаси бўйича маълумотлар берилди.

2018 йилда эълон қилинган давлат грантининг 3-, 4-танловлари мавзулари ва асосий йўналишлари, уларда иштирок этиш шартлари ва талаблари, грант лойиҳаларини тайёрлаш, ҳисоботларни тақдим этиш масалалари юзасидан Парламент комиссияси аъзолари томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди.

Йиғилишда Ўзбекситон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2017 йил якунларига бағишланган ҳисоботи эшитилди. Ассоциация ҳамда 17 та нодавлат радиостанцияларнинг қўшма лойиҳаси ҳисобланган лойиҳа доирасида 944 та "O'zbekiston online" информацион дастури тайёрланган. Ушбу радиоэшиттиришларга ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланган 6 минг 708 репортаж, 472 хабар, шунингдек, 1 минг 378 шу каби жанрдаги радиомаҳсулотлар жойлаштирилган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 150 дан ортиқ "Менинг овозим: халқ билан мулоқот" ток-шоуси, шунингдек, Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивали, "Озод юрт тўлқинлари", "Журналистлар баҳори – 2017" медиа-фестиваллари ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи эшитилди. Уюшма томонидан ОАВ ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Олтин қалам" XII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилган. Танловда 530 нафар журналист 9 минг 500 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашган. Улар орасидан 18 журналист танлов ғолиби ва совриндори бўлди.

Парламент комиссияси аъзолари Ўзбекистон ногиронлар жамиятига ажратилган давлат субсидияси доирасида 2017 йилда бажарган ишлари бўйича ҳисоботни кўриб чиқиб, жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича тегишли тавсиявий қарор қабул қилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**




# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Замонавий дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир.***

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2018 йил январь–июнь ойларида хизматлар кўрсатиш ҳажми 21 316,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,6 % ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилмоқда.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,0 % ўсиб, 5 234,2 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 24,6 % ташкил қилади).

2018 йил январь–июнь ойларида транспорт хизмат кўрсатиш ҳажмининг ошишига таъсир қилган омиллардан бири йўловчи ва юкларни ташиш хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (61,5 %) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори технологик хизматларнинг янада ривожланиши, хизматларнинг янги турларини кенгайтирилиши, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ошишига таъсир кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,5 % ўсиб, 2 239,3 млрд. сўмни ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 10,5 % ташкил қилади).

**Тошкент шаҳар**
**Статистика бошқармаси**

# ИЖОДИЙ ИМТИҲОН: У ҚАНДАЙ ЎТДИ?

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Журналистика бироз "пастроқ" бўлгани учун танлаганлар**

Устознинг матбуот муаммоларига бағишланган дарсида фан олдида турган асосий муаммо нима, деган саволига талабалардан бирининг "мен матбуотнинг келажаги йўқ, деб ўйлайман ва газетани яқин келажакда бутунлай воз кечиладиган нарса, деб биламан", деган гапидан қаттиқ жаҳли чиққан эди. Ўкинч билан "матбуот келажагига ишонмас экансан, нега журналист бўлишга қарор қилдинг?! Демак, мен сенга эртага керак бўлмайдиган илмни ўргатаётган эканман-да", дея айтган сўзлари ёдимда. Бу зарбни ҳали ҳазм қилиб улгурмаган устозга қараб яна бир талаба "мен "юридический"га киролмаганим учун, журналистика бироз "пастроқ" бўлгани учун ўқишга кирганман, келажакда барибир журналист бўлмайман, ички ишлар ходими бўламан" деган гапидан сўнг кекса устознинг қадди янада букилиб, юзларида чуқур изтироб излари кўринган эди. Ахир, шу каби фикрлайдиган талабаларга дарс беришдан қийинроғи, азоби борми. Бири эртасига ишонмаган касбни танлаган бўлса, яна бири фақат диплом учунгина юрибди, яна бири журналистикада ўқиш осонроқ, деб ўйласа, баъзи қизлар келаётган совчиларнинг "ўқиган қиз экан" деган баҳоси учунгина келиб-кетади.

Ҳа, факультетда ана шундай адашиб кириб қолганлар, мақсадсизлик касали билан оғриган талабалар кўпчилик эди. Афсус...

**Бугун-чи?**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўз гарданига катта мақсадлар, кескин ислоҳотларни амалга ошириш вазифасини олди. Иккита факультетда жами 8 йўналишни ўз ичига олган университетнинг дастлабки оғзаки тарздаги ижодий имтиҳони ташкил этилди. Университетга қарийб 700 га яқин абитуриент ҳужжат топширган бўлса, уларнинг 100 нафаригина талабаликка қабул қилинади. Демак, уларни саралашда хатоликка, янглиш қадам ташлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори:**

– Бугун университетимиз учун тарихий кун, боиси биринчи ижодий имтиҳонларни бошладик. Авваллари оғзаки имтиҳон деярли ўтказилмаган, унинг афзаллик томони – суҳбат чоғида сиз талабанинг кўзидаги учқун, касбга бўлган лаёқатни илғашингиз мумкин. Биз бугунги ижодий имтиҳонга абитуриентлар фикрини билиш, ижодий потенциалини аниқлаш учун профессор-ўқитувчиларни эмас, балки тажрибали амалиётчиларни таклиф этдик. Таниқли журналистлар, бош муҳаррирлар, юртимиз журналистикаси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган 35 га яқин амалиётчилар абитуриентлар билан суҳбатлашмоқда. Оғзаки имтиҳон учун 0 дан 26 баллгача бўлган тизимда баҳоланади. Бундан ташқари, абитуриентлар ёзма ижодий имтиҳонда 0 дан 37 гача, жами максимал 63 балл тўплаши мумкин. Тест блоклари орасидан асосий эътибор она тили ва адабиёти ва чет тилига қаратилди ҳамда тарих фани блоклар орасидан чиқарилди. Тарихни билиш зарурлигини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, журналист, аввало, ўз она тили, адабиёти ва хорижий тилларни яхши билиши керак. Ўқишга қабул қилинган ёшлар университет эшигидан кирганиданоқ инглиз тилида ҳам ўзаро мулоқот қилиши зарур. Мақсад ёшларимизни ҳозирги кунда замон талабига айланган хорижий тилларни билишга ундаш.

...Оғзаки имтиҳонни топширган ёшларни зимдан кузатаман. Уларга ҳам осон эмас, қаршисида ўз тажриба мактабини яратган таниқли устоз журналистлар турибди, улар ёнида ҳаяжонга тушмай бўладими?!

Бу йигитча спорт журналисти бўлиш истагида ҳужжат топширган эди, бугун ундан оғзаки имтиҳонни кечагина телевизорда жаҳон чемпионати ўйинларини шарҳлаган, ўзи ҳавас қилган севимли шарҳловчиси олди, уни 10 дақиқа тинглади, у билан баҳслашди.

Босма ОАВ йўналишига киришни мақсад қилган қиз эса фақат китоблари, публицистик мақолаларини ўқиб ғойибона таниган машҳур публицист билан илк бор учрашди. Соҳа ҳақидаги фикрларини баралла айтди. Устоз публицистнинг китобларида келтирилган фикрларини етказишга ҳам улгурди.

Яна кимларнингдир қиёфасида бироз қўрқув, ташвиш ифодаси, кимларнингдир қўли ижод намуналари солинган файллар билан тўлиб-тошган. Оғзаки имтиҳондан чиқаётган абитуриентларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик.

**Чўлпоной АҲМЕДОВА:**

– Имтиҳон олаётган устозлар "журналистика сен учун нима", деб сўрашганида, мен иккиланмай "сўз сиёсати", деб жавоб бердим. "Кўз олдингга келтир – давлат, халқ ва ўртада журналист, у қайси бири манфаати учун ҳаракат қилиши, талабини бажариши керак", деб сўрашганда эса "халқ манфаати ҳар доим биринчи ўринда туриши лозим, журналист халқ ва давлат ўртасидаги кўприкдир", дедим. Улар кўпроқ фикр, унинг мазмуни билан қизиқишаяпти. Мен бу йил еттинчи бор ҳужжат топширишим. Ижодий ишларим "Оқдарё овози", "Зарафшон", "Ёшлик", "Тошкент оқшоми", "Тонг юлдузи" нашрларида эълон қилинган. Кўпроқ эссе, очерклар ёзаман, ҳозир фельетон ёзишни машқ қилаяпман. Тест синовларига ҳам тайёрланганман, бу йил талаба бўлишдан умидворман.

**Ситора ЖЎРАБОЕВА:**

– Дастлаб устозлар салобатидан бироз ҳаяжонландим, суҳбат жуда самимий бўлди. Журналист касбини мураккаб касблардан бири, деб биламан. Мен телерадио журналистика йўналишига ҳужжат топширдим. Ёшлигимдан шу соҳага қизиқаман, мақола, шеър, ҳикоялар ёзаман. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятидаги "Олтин воҳа" радиосида бир неча дастурлар бошловчисиман. Кўпчилик тенгдошларим қатори талабалик бахти насиб этишига умид қиламан.

Ўн дақиқалик қум соатлардаги сўнгги қум зарралари тугагунча абитуриент билан суҳбат қуриб, унинг соҳага бўлган лаёқатини кузатиш, улар орасидан қобилиятлисини саралаш осон вазифа эмас. Ана шундай масъулиятли вазифани ўз гарданига олган амалиётчи устозларнинг оғзаки имтиҳон борасидаги фикрлари билан қизиқдик.

**Фахриддин КАРИМОВ, "Ёшлар овози" ва "Молодёж Узбекистана" газеталари бош муҳаррири:**

– Янги университет ижодий имтиҳонида бир қанча ўзига хосликлар бор. Бунда абитуриентнинг руҳий-психологик, тафаккур нуқтаи назаридан дунёқараши синовдан ўтказилади. Биз ижодий имтиҳон деймиз, бу аслида сиёсий имтиҳон. Бугунги замон талабидан келиб чиқсак, журналистика сиёсий соҳага айланиб бормоқда. Ижодий имтиҳонда амалиётчиларнинг иштироки, индивидуал суҳбат ва шу вақтнинг ўзида баҳоланаётгани имтиҳон топширувчи учун аҳамиятли. Абитуриентлар тафаккур даражасига тўхталадиган бўлсам, жуда оддий, элементар саволларга ҳам жавоб топа олмаётганларини ҳам, ўзининг мустақил фикри, позициясига эга бўлганлари ҳам бор. Умумий кузатишлардан эса шу нарса аён бўлаяптики, аксарият ёшлар ўйлаш, орзу қилиш босқичидан қарор қилиш, амалий ишга киришишга ўта олмаяпти. Афсуски, билимдан, мутолаадан анчайин узоқлашган ёшларни кўп учратдик, ҳамма айб уларда эмас, албатта. Имтиҳондан кейин ҳам устозларимиз ўз сўзларини, фикрларини мақолалар тарзида кенг жамоатчиликка етказиш тадоригини кўришар. Чунки бугун биз амалиётчилар ҳам ўзимиз учун камчиликлар, қилиниши керак бўлган ишларимизни янада аниқроқ билиб олдик. Биз учун ҳам қайсидир маънода имтиҳон бугун.

**Гулнора НИШОНОВА, филология фанлари номзоди, доцент:**

– Бугун биз ахборот хизматлари йўналиши бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар билан суҳбатлашаяпмиз. Лекин бераётган саволларимиз, асосан, ахборот хизматлари бўйича эмас, балки умумий журналистикага дахлдор. Чунки ахборот хизматида журналист кадрлар ишлаши лозим. Абитуриентлар орасида катта сумка кўтариб, ўзининг ижодий ишлари, фахрий ёрлиқлари, турли тавсияномалар билан келганлари ҳам бор. Биз улар орасидан журналистика соҳасига қобилиятлиларини саралашга интилаяпмиз. Абитуриентлар орасида шундайлари ҳам борки, ҳали амалда журналистика соҳасида қалам тебрата бошламаган бўлса-да, лекин фикр доираси, илми жуда кенг. Улардан келгусида яхши журналистлар чиқади. Суҳбат давомида улардан журналист дуч келиши мумкин бўлган турли вазиятлардан қандай чиқиб кетиши ҳақида сўрадик, биласизми, улар вазиятдан тўғри чиқиб кетиш йўлларини айта олаяпти. Биз мана шундай ёшларга, амалий фаолиятни ҳали бошлаб улгурмаган бўлса-да, юқори баҳо қўйдик. Биз учун фикр, жасорат, ҳақларварлик бирламчи мезон.

Кун давомида оғзаки ижодий имтиҳонларни кузатиб кўнглимиз анча таскин топди. Имтиҳон ташкил этилган Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети биносидан чиқар эканмиз янги университет фаолиятига муваффақият тилай туриб, устозлар мақола аввалида келтирган кекса устоз аҳволига тушмаслигига, "адашиб кирганлар"га дарс беришга маҳкум бўлмаслигига чин дилдан умид қиламиз.

**И.АҲАТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДА НУРОНИЙЛАР ҲАМИША КАМАРБАСТА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамғарманинг ташкилий-ижтимоий ҳаётида, унинг фаолиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлимларининг ташкилий тузилмалари ва моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланмоқда.***

2017 йил 19 декабрь куни "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлимининг ҳаётида энг масъулиятли ва қувончли воқеа бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида бўлиб ўтган Васийлик кенгашининг йиғилишида 21 йил ичида биринчи марта жамғарма шаҳар бўлимининг йиллик ҳисоботи эшитилди ва муҳокама қилинди. Васийлик кенгашининг йиғилиши жамғарма шаҳар бўлимининг ҳисоботини эшитиб, муҳокама қилиб, унинг фаолиятини қониқарли деб топди. Йиғилишда Тошкент шаҳар нуронийларининг шаҳримиз аҳолисига мурожаати қабул қилинди. Мурожаат 2018 йил 10 январь куни "Тошкент оқшоми" рўзномасида чоп этилди. Унда шаҳар нуронийлари шаҳардаги давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарларига, таълим муассасалари ходимларига, ёшларга, хотин-қизларга, ички ишлар ходимларига, кексалар ва нуронийларга мурожаат қилиб, уларга шаҳримизни юксак маънавиятли шаҳарга айлантириш, ёшлар тарбиясига эътибор бериш, оилаларда тинчлик-тотувликни асраш, маҳаллаларимизни "Обод маҳалла"ларга айлантиришда фаол иштирок этишга даъват этилган эди. Мурожаат 2018 йил 12 февраль куни "Ўзбекистон" телеканалининг "Муносабат" кўрсатувида ҳам муҳокама қилинди. Лекин мурожаатимизнинг шаҳримиз аҳолисининг қалбига тўлиқ етиб бормаганлиги ва таъсир кучи унчалик сезилмаганлигини афсус билан таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жойларда маънавий-ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолини, айниқса кексаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишига кўмаклашиш, оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлаш, ҳудудларнинг санитария ҳолатини назорат қилиш, уй-жой фондларини тартибга солиш борасидаги вазифаларнинг ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида "Нуроний" жамғармасининг ҳар бир туман бўлинмаларида 15 кишидан иборат жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилган. Улар ҳозирда 165 нафардан иборатдир. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада ҳам 5 кишидан иборат жамоатчилик гуруҳлари тузилган бўлиб, ҳозирда шаҳримиздаги 505 та маҳаллада 2525 нафар фахрийлар жамоатчилик гуруҳларига жалб этилган. Бу гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳри туманларига қилган ташрифлари давомида берилган топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида режа асосида секторлар бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда ижтимоий ҳолатни ўрганиш, аҳолининг муаммоларини аниқлаш, ижросини таъминлаш чораларини кўришда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда "Нуроний" жамғармаси туман бўлимларидаги ва маҳаллалардаги жамоатчилик гуруҳлари томонидан Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида берган топшириқ ва вазифаларидан келиб чиқиб, Фарғона вилояти ҳокими ва "Нуроний" жамғармаси Республика бошқарувининг қўшма қарори қабул қилинган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг ва жамғарма Республика бошқарувининг ҳам қўшма қарори қабул қилинган бўлиб, бу қарор билан шаҳарда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Қабул қилинган режага мувофиқ ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" асосида ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, аҳоли ва ёшларнинг бандлигини аниқлаш, муаммоларни ҳал қилиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ўрганишлар жараёнида ИИБ рўйхатидан чиқарилган 178 нафар ёшлар фахрийлар назоратига олинган. 1314 нафар боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган 469 нафар вояга етмаган ёшлар ҳам аниқланиб, уларнинг муаммолари ўрганилиб, ҳал қилиш чоралари кўрилди ва бу хонадонларга ҳам фахрийлар бириктирилди. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" деганларидай, жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан 118 нафар шахслар билан фахрийлар иштирокида суҳбатлар ўтказилиб, уларга керакли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва саломатликларини тиклаш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Авф этилган, жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиқарилган диний экстремистик оқимларга мансуб 219 нафар шахслар билан суҳбат ўтказган тегишли комиссиялар таркибида ҳам нуронийларимиз иштирок этишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 июнда Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадидаги ташрифлари доирасида ўтказилган учрашувда бир қанча жамоат ташкилотлари қатори жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими фаолиятида аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларни ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш, "Обод маҳалла" дастурининг ижроси бўйича кенг жамоатчиликни жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада ташкил этилмаётгани ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди, мавжуд камчиликлар рўй-рост кўрсатилди.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" Дастури тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, 2017 йил 22–23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ёшларга таълим-тарбия бериш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фахрийларнинг бой тажрибасини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан берган топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Республика "Нуроний" жамғармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қўшма қарор талабларининг ижроси суст олиб борилаётгани рост. Бунинг ўзига хос сабаб ва муаммолари бор, албатта. Лекин иш бўлган жойда айрим хато, камчиликлар ҳам учрайди. Фақат бу нуқсонларга бефарқлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик, боқимандалик кайфияти билан эмас, балки чин инсонийлик, шахсий жавобгарлик ҳис-туйғуси, масъулият билан ёндашиш, ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Афсуски, ўз фуқаролик бурчимизни ҳалол ва сидқидилдан бажариш, унга қатъий амал қилиш борасида ҳам нуқсонларимиз анчагина. "Бешта бармоқ баравар эмас". Лекин имконият даражасида ўз зиммамиздаги вазифаларни бажаряпмиз. Бунга виждонимиз кафил, иймонимиз комил. Буни ўтган олти ой мобайнида амалга оширган ишларимиз тасдиқлаб турибди.

Жамғармамиз томонидан нуронийларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиб келинмоқда. Уларга моддий ва ижтимоий кўмак бериш, жамият ҳаётида фаол қатнашишларини таъминлаш, айниқса якка-ёлғиз кексалардан хабар олиш, туғилган кунлари ва байрамларда эсдалик совғалари билан йўқлаш, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш, санаторий, курортларда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этиш, тарихий жойлар ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ишимизнинг мезони деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 9 май умумхалқ байрами "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Президент Фармони асосида 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан пойтахтлик 269 нафар уруш қатнашчиларига 5 млн. сўмдан пул, 74 364 сўмлик дори-дармонлар жамланмаси ва ҳар бирига 1 млн. 93 минг сўмлик 400 қути озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. 164 нафар уруш қатнашчисига Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахсий табрикномаси, қимматбаҳо қўл соатлари топширилди.

"Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас", "Мардлик, бурч ва садоқат" шиорлари остида ташкил этилган 328 та маънавий-маърифий тадбирларда жами 13 минг 500 га яқин киши иштирок этган бўлса, уларнинг 584 нафарини уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, 12 300 нафарини ёшлар ташкил этди.

Шаҳримиздаги 505 та маҳаллада байрам тадбирлари ташкил этилиб, якка-ёлғиз қариялардан 184 нафарига 24 804 000 сўмлик, ётиб қолган, ўзгалар парваришига муҳтож 121 нафар фахрийга 18 150 000 сўмлик моддий ёрдам, меҳнат фронти фахрийларидан 2484 нафар кишига 281770135 сўмлик, мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишда вафот этган 23 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оиласига 25139000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

9 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ботаника боғида ўтказилган байрам тадбирида Тошкент шаҳридан 25 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини зарур тиббий анжомлар, маиший техника воситалари, уй-жой билан таъминлаш, яшаш жойларини таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан уларга ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда йилда бир бор кийим-кечаклар билан таъминланишлари учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига кўра "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ижобий ишлар амалга оширилди. Маҳаллаларда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, совға-саломлар тарқатилди. Шаҳар касаба уюшмаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари томонидан меҳр-мурувват, инсонпарварлик туйғулари намоён этилиб, пойтахтнинг 11 туманидаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари ва кам таъминланган оилаларга (ҳар бир туманга 70 тадан) янги "Артел" газ плиталари, совутгичлар Рамазон совғаси сифатида туҳфа этилди.

Шунингдек, пойтахтлик нуронийлар ташаббуси билан ташкил этилган "Бувижонлар мактаби"нинг кайвони онахонлари томонидан ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Уларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан 30 га яқин ажримларнинг олди олиниб, оилалар яраштирилди. 127 та кам харажатли, ихчам тўйлар ўтказилди.

2018 йилда Олмазор туманининг ўзида 58 та кам сарф-харажатли, намунали тўйлар ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз томонидан юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Шундай хайрли тадбирлардан бири яқинда "Ашхобод сайлгоҳи"да ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан собиқ Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 49 нафарига ва 8 нафар ногиронга уй-жой калитлари, эҳтиёжманд фуқароларга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ортопедик мосламалар, тикув машиналари, электр печлар тақдим этилди.

"Обод маҳалла" дастури ижроси юзасидан Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод туманларида ҳашарлар ташкил этилди. Бунда ФВВ, Ёшлар иттифоқи, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари қаторида биз нуронийлар ҳашарчиларга бош-қош бўлмоқдамиз.

Ёш авлод тарбияси, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича бир неча тадбирлар, маданий-маърифий учрашувлар ўтказдик. Телекўрсатувлар дастури орқали бир неча бор чиқишлар қилдик.

Куни кеча Чилонзор туманида янги бунёд этилган Нуронийлар маскани очилди. Уч қаватли кўркам бинода "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Оила" маркази ва Ёшлар иттифоқи ташкилотларининг бир ерга жамлангани айни муддао бўлди. Бу келгусидаги ишларимизнинг самарасини таъминлайди. Мана шундай масканлар ҳар бир туманда ташкил этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Зеро, биз пойтахтлик нуронийлар Ўзбекистонимиз шон-шавкати, шуҳрати, унинг оламаро довруғи йўлида янада фаол бўлишга ҳамиша тайёрмиз, Юртбошимизга қанот, йўлдош бўлишга ҳаракат қиламиз.

**Рустам КАЛОНОВ,**
**"Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати**

# НАШР ЭТИШ ТАРТИБИ МУҲОКАМАСИ

***"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида диний адабиётларни нашр этиш тартиби, қонун-қоидалари ва бу борадаги камчиликларни ҳал этишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, диний соҳа мутахассислари ҳамда нашриёт ходимлари, муҳаррирлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, "Шарқ" НМАК қарийб бир асрлик тарихга эга, ишончли ва энг ўқишли диний адабиётларни чоп этишда етакчи нашриётлардан ҳисобланади.

Афсуски, баъзи ҳолларда диний билими етарли бўлмаган, диннинг асл моҳияти, мақсадидан анчайин бехабар муаллифлар томонидан ислом дини аҳкомларига зид, асоссиз қўлёзмаларни ёзиб, нашр қилиш истагини билдираётган, диний адабиёт муаллифлигига даъво қилаётганлар ҳам учрамоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда диний адабиётлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада экспертизадан ўтиб, тасдиқланганидан сўнггина нашр этилади. Бу эса, ўз навбатида юртимизда нашр этилаётган диний адабиётлар қиммати, ишончлилигини оширади.

**Ғуломжон ҲАКИМОВ,**
**"Шарқ" НМАК касаба уюшма раиси:**

– Нашриётимиз ўзининг узоқ йиллик тарихи ва тажрибасига эга. Айниқса, диний адабиётлар нашр этилишидан аввал таҳририятимиздаги бош комиссия ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада экспертизадан ўтади. Нашриёт улар тасдиқлаган диний адабиётларнигина нашр этади. Бу каби китоблар ўқувчи қўлига етиб борганда ортиқча савол, иккиланишлар юзага келмайди. Мисол учун, нашриётимиз томонидан шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг бир қанча китоблари минглаб нусхада босилган ва ҳозирги кунда қайта-қайта нашр қилинмоқда. Китобнинг қиммати унинг чуқур диний билим билан ёзилгани ва ҳар бир фикрнинг батафсил асослаб берилганидадир. Шу боис биз ўқувчиларга Дин ишлари бўйича қўмита тасдиқлаган ва унинг махсус белгиси акс этган китобларни харид қилишни тавсия қиламиз.

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**
**"Шарқ" НМАК Бош таҳририяти бош муҳаррири:**

– Бугунги тадбирда муҳокама этилган мавзу жуда долзарб. Диний адабиётларга бўлган эҳтиёж ислом дини юксак қадрланаётган юртимизда кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса ноширларга катта масъулият юклайди. Диний адабиётда бирор маълумотнинг нотўғри кетиб қолиши ўқувчининг умумий ёндашувига салбий таъсир кўрсатади. Бугун юртимиздаги диний адабиётларни нашр этишда йўлга қўйилган механизм Марказий Осиё, МДҲ ва ҳатто Араб давлатларида ҳам намуна олишга интилиш, катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар ўзбек тилида нашр этилган диний адабиётларни таржима қилмоқда. Чунки кўплаб давлатларда чоп этилаётган исломий адабиётларда тойинишлар мавжуд. Нашриётимизда ҳар йили ўртача 100-120 диний адабиёт нашр этилади. Мазкур китоблар ўқувчилар учун ишончли манбага айланмоқда.

**Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси бош муҳаррири:**

– Учрашувда диний адабиётларни нашр этиш, унинг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Агар мутахассис бўлмаган, етарли диний илмга эга эмас инсонлар томонидан диний адабиётлар, рисолалар чоп этилса, ундаги чалкаш фикрлар қанчадан қанча инсонни адаштириб юбориши, турли оқимларга кириб кетишига туртки бўлиши мумкинлиги амалий мисоллар билан айтиб, исботлаб берилди. Юртимизда бу борада кучли механизм яратилганлиги қувонарли ҳол.

**(ЎзА)**

# ТОШКЕНТДА КАНАЛЛАРНИ ТОЗАЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Пойтахт ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, Тошкентдан оқиб ўтадиган каналлар ва уларнинг қирғоқ атрофи тоза, озода масканга айланиб бормоқда.***

Ҳудудлардан тонналаб чиқинди ва ахлатлар чиқариб ташланди. Улар асосан инсон омили сабаб йиғилиб қолган маиший чиқиндилар: эски ғилдираклар, озиқ-овқатлар, идишлар ва ҳоказо. Афсуски, кўпчилик ҳамшаҳарларимиз чиқиндиларни шундоққина сув бўйига улоқтириб кетаверган. Оқибатда йиллар давомида улар катта уюмларга айланиб қолган.

Ички ишлар органлари ташаббуси билан олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари натижасида бундай манзаралар босқичма-босқич камайиб бормоқда. Бунга Бўрижар ва Найман канали яққол мисол бўла олади.

Найман каналининг Сергели тумани "Дарёбўйи" маҳалласидан оқиб ўтувчи ҳудуди бугун умуман янги қиёфа касб этган. Яқин-яқингача бу ерларга оёқ босиб бўлмасди. Бир ой давомида тегишли соҳа вакиллари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида оқар сув атрофи тозаланиб, чиқиндилардан холи ҳудудга айлантирилди.

Шунингдек, Бўрижар каналида ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Тегишли ташкилотлар ва туман ҳокимлиги ходимлари махсус техникалар ёрдамида канал бўйини ўраб олган чиқиндилар, ёввойи ўтлардан тозалади. Бундан ташқари, канал соҳилларига турли манзарали кўчатлар ўтқазилиб, бу ерда одамлар сайр қиладиган кўркам маскан барпо қилиш кўзда тутилмоқда.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан мана бир неча йиллардан буён меҳнат жамоалари, корхона, ташкилот, муассасалардаги ишчи-ходимлар, талаба ва ўқувчилар ўртасида уларнинг маънавий дунёқарашини ўстиришга, маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ташкил этишга қаратилган турли мавзуларда кўрик-танловлар, учрашувлар, суҳбат ва жонли мулоқотлар уюштирилиб, турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***



# ОБОД ЮРТНИНГ ҲАВАСКОР ИЖОДКОРЛАРИ

Ана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек маданият ва аҳоли дам олиш марказида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва Маданият бош бошқармаси билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари, ўқув юртларининг ҳаваскор санъат ихлосмандлари ўртасида ўтказилган "Санъатим сенга, обод юртим!" ижодий кўрик-танловидир.

Кўрик-танловнинг мақсади аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида бадиий ҳаваскорлик ижодиёти, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатни ривожлантириш, юрт ободлиги ва фаровонлиги, истиқлолимизга шукроналик туйғуларини мадҳ этиш, меҳнат жамоаларидаги санъатга иштиёқманд бўлган, иқтидорли ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бадиий ҳаваскорликни кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Ҳаваскорлар анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги, мусиқа ижрочилиги ва рақс санъати йўналишлар бўйича ўз дастурлари билан танловда иштирок этдилар.

Иштирокчиларнинг ёши чегараланмаган ҳолда, танловда иштирок этувчиларнинг дастурларида мумтоз ва ўзбек бастакорлари томонидан яратилган куй-қўшиқлар, мақом шўъбалари, Ватан ва истиқлолни, миллатлараро дўстликни ифода этувчи турли миллат куй-қўшиқ ва рақслари акс эттирилди.

— Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда меҳнаткаш халқимизнинг маънавий оламини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласи касаба уюшмаларининг энг улуғвор вазифаларидан бири сифатида белгиланган, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирода Ҳикматова. — Бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Турли танловлар, спорт мусобақалари шулар жумласидан. "Санъатим сенга, обод юртим!" ижодий кўрик-танловини кузата туриб касаба уюшмалари аъзолари орасида қанчадан-қанча санъатни севувчи, иқтидорли истеъдод эгалари борлигига амин бўлдик.

Ижрочиларнинг чиқишлари танланган асарнинг мукаммаллиги, ижро маҳорати, овоз ва созларнинг уйғунлиги, либослар ҳамда саҳна маданиятига қараб ҳар бир мезон 10 балли тизимда баҳоланди.

Кўрик-танлов иштирокчиларини баҳолаш, ғолибларни аниқлаш учун Ташкилий қўмита томонидан мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилган бўлиб, кўрик-танловнинг ҳар бир йўналиш бўйича 1,2,3-ўрин ғолиблари касаба уюшмалари томонидан диплом, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Анъанавий ижрочиликда 1-ўринни Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари тизимидан Оллоберган Ортиқов, рақс йўналиши бўйича юқоридаги тизимдан 1-ўринни Муҳаббатхон Нурматова эгалладилар.

Эстрада қўшиқчилиги йўналишида 1-ўрин – "Металлургия ва машинасозлик саноати" тармоқлари ходимлари тизимидан Азиз Юлдашев, чолғу ижрочилиги бўйича мазкур тизимдан Умида Ҳуснуддиновага насиб этди.

**Зиёда РАСУЛОВА**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "ВОСТОК" ИИЧБ ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 128-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. 1. "ГАЗ-2410" русумли, давлат рақами 01/324МАА бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 2 645 000 сўм. 2. ГАЗ-5204 русумли, давлат рақами 01/340МАА бўлган 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 212 000 сўм. 3. ЗИЛ КС 2561 русумли, давлат рақами 01/336МАА бўлган 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 42 151 000 сўм. 4. КАВЗ-3271 русумли, давлат рақами 01/341МАА бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 4 142 000 сўм. 5. КАМАЗ 53212 русумли, давлат рақами 01/233МАА бўлган 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 29 783 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2018 йил 1 август куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 30 июль куни соат 18:00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2018 йил 1 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2018 йил 8,15, 22 август кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 8 августдаги савдо учун 6 август куни 15 августдаги савдо учун 13 август куни 22 августдаги савдо учун 20 август куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади, савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

*Гувоҳнома № 001805.*

## Мулоҳаза

# "БОЛАЖОН" БОҒИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛАВЕРАДИМИ?

***Маданият ва истироҳат боғлари, халқимизнинг маданий дам олишини таъминлайдиган, маънавий савиясини юксалтирадиган, руҳиятига енгиллик, кўнглига хотиржамлик, кайфиятига кўтаринкилик, вужудига ором, руҳиятига тетиклик ва роҳат бағишлайдиган мўъжазгина бир макон, болажонларнинг эса энг севимли гўшаси ҳисобланади.***

Айниқса ёзнинг жазирама иссиқ кунларида шаҳримиз аҳолиси пойтахтимиздаги мавжуд маданият ва истироҳат боғларига соя-салқин ва баҳаво жойларда қуёшнинг ҳароратли тафтидан сақланиш учун ташриф буюради.

Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қаторида маданият ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий-техника базаси ва ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида "Нуронийлар маскан"ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитларни яратиш ҳақидаги вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида жуда гўзал ва мафтункор боғлар барпо этилмоқда. Чунки, халқимизнинг маданий дам олишида, маънавий савиясининг юксалишида, келажак авлоднинг мириқиб яйрашида, умуман, фуқароларнинг қалбларини чароғон этиб, завқ-шавқ улашишда маданият ва истироҳат боғларининг ўз ўрни бор.

Боғ деганда кўз ўнгимизда тоза ҳаво, тиниқ зилол сувлар, кўм-кўк дарахтлар, чор-атрофга ифор таратаётган гуллар, қушларнинг чуғури, энг асосийси, она табиатнинг бутун гўзаллиги бўй-басти билан намоён бўлади.

Дарҳақиқат, маданият ва истироҳат боғларининг мафтункор манзарасига маҳлиё бўлиб боқар эканмиз, юртимизда бундай жаннатмонанд гўшаларнинг кўплигига қувонамиз. Бироқ, таассуфки, шаҳримизнинг қоқ марказида жойлашган ва бугунги кунга келиб қаровсиз ҳолда қолган, дарахтлари қуриб бораётган, гуллари қовжираб сарғайиб, сўлиган, ён-атрофи эса кўримсиз ва файзсиз ҳолга келиб қолган "Болажон" ёшлар истироҳат боғининг уч гектарлик ҳудудини кезар эканмиз, кўнглимизни тушкун бир кайфият чулғаб олди.

Боғни айланиш давомида, тарвақайлаб кетган, қуриган, синиб ётган дарахт шохларини, сарғайиб ранги заъфарон бўлган манзарали кўчатларни кўриб дилимиз хиралашди. Айниқса боғнинг чеккасида ахлат билан тўлган махсус қутилар ва уларнинг атрофидаги чиқиндилар уюми боққа тушган доғдай кўзимизга хунук кўринди. Наҳотки пойтахтимиз марказидаги боғда аҳвол шундай бўлса, деган оғриқли саволни ўзимизга ва ён-атрофдагиларга беришга мажбур бўлдик.

– 2014 йилдан бери шу боққа келаман, ўзим яқин атрофда яшайман, – дейди 74 ёшли Виктор Пак. – Илгарилари боғ хизматчилари ҳамма ёқни тозалаб қўярди, жуда ҳам мафтункор ҳамда сўлим эди. Ҳозир, бу ерда тадбирми, кўргазмами бўлса атроф тозаланиб, ғимир-ғимир бошланади. Ўшанда ҳам фақат боғнинг мана шу марказий қисми тартибга келтирилади. Тадбир тугагандан кейин эса, яна эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолади.

– Мен ҳам шу ерда тест синовларига тайёрланаяпман, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Бегзода. – Бу ер дарс қилиш учун қулай ва етарли ўриндиқлар ўрнатилган. Бироқ, қуриётган дарахтларни кўриб уларга раҳмим келади, биз ёшларга "Табиатни асраш керак", деб ўргатишади, аммо мен она табиатнинг кўз ўнгимда завол топаётганига гувоҳ бўлаяпман.

– Тўрт йил олдин шу боғда ҳаётимдаги энг фараҳбахш кунни нишонлаганмиз, – дейди қизчаси билан сайр қилиб юрган Азиза исмли келинчак. – Тўйимиз куни шу ерда бўлажак турмуш ўртоғим билан сайр қилдик, кабутар учирганмиз, ҳаммаси видео тасмаларида муҳрланиб қолган. Шунинг учунми бу боққа тез-тез келиб турамиз. Илгари жуда ҳам файзли ва тароватли эди, боғбонларнинг қўли-қўлига тегмасди. Бир йилдан бери эса уларнинг ақалли биронтасини ҳам кўрмадим.

Дарс қилишга мослаштирилган ўриндиқларнинг устига тирнаб ёзилган турли ёзувлар, атрофга тўпланиб ётган бўш сув идишлари, ширинлик ва пишириқ қолдиқлари ўраб ташланган қоғозлар ҳам айнан ёшларнинг оёқлари остида ётибди.

– Мана бир йилдирки, боғда шундай оғир вазият юзага келди, – дейди "Болажон" ёшлар истироҳат боғининг раҳбари Шодиёр Тошпўлатов биз билан суҳбатда. – Бу боғ Ёшлар иттифоқига ҳам қарашли, на шаҳар бўлими, на туман ҳокимлиги мурожаатларимизга жавоб бермади. 12 нафар ходимларимиз, яъни 5 нафар боғбон, 5 нафар фаррош, сантехник ва агроном бирқанча муддат маошсиз ишлаб, ишдан бўшаб кетишди. Қарзларимиз кўпайиб ҳисоб рақамимиз ёпиб қўйилгани боис маошларини вақтида тўлаб бера олмадик. Ҳозир қарзларимиздан қутилганмиз, лекин шундай бўлса ҳам электр энергиясини ҳали улаб беришмади. Ўзим ва боғ қоровули иккаламиз қўлдан келганча ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳа, ойлик берилмаётганини директор таъкидлаб ўтди. Бироқ, "Олма пиш, оғзимга туш", дегани билан иш битмайди-ку. Қани бу ерда раҳбарнинг ишбилармонлиги?

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Битта боғ директори ва боғбон улкан боғ ҳудудини қандай эплашар экан? Нега шу вақтгача боққа дахлдор бўлган мутасаддилар бу борада бош қотиришмади, нима учун она табиат инъомларининг хазон бўлишига шу қадар йўл қўйилди?

"Болажон" ёшлар истироҳат боғининг бу аянчли аҳволи тез орада яхшиланар, янада обод, гўзал ва кўркам масканга айланар, лекин неча йиллик дарахтларнинг қуриб қолишига, яшил табиатнинг бундай ночор ва кўримсиз ҳолга келишига нима сабаб бўлди? Биз 12 та қуриган дарахтларни бирма-бир санаб чиқдик. Бу рақам шунчаки йўл-йўлакайига кўзимиз тушиб ҳисоблаганимиз. Аслида кўплаб турли хил дарахтлар ва кўчатлардан нечтаси сувсизлик ва қаровсизликдан қовжираган экан? Илгари боғнинг рўпарасидаги муҳташам бинода Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки фаолият юритар эди. Ўша вақтда боғ раҳбари Халқ банкининг мутасадди раҳбарларига аҳволни баён этган экан. Лекин улар қўшни боққа қиё ҳам боқмади. Аслида Шодиёр Тошпўлатов ёрдамни ўзига ёки оиласига сўрамаган эди-ку. Ёки Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мутасадди раҳбарлари ўзларига қарашли боққа нега эътибор ва вақт ажратмади, моддий қўллаб-қувватламади. Бинобарин, уларнинг асосий тадбирлари ҳамиша ва ҳар доим шу боғда ўтказиладику.

Директор суҳбат жараёнида бир йилда шу аҳволга тушиб қолдик, деди, лекин аслида боғдаги бу аҳвол шу муддатдан олдинроқ юзага кела бошлаганини бир назар билан илғаб олиш унчалик қийин эмас. Негаки, қулочга сиғмайдиган дарахтлар бир йилда бунчалик қуриб қолмайди. Аслида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биринчи навбатда унинг ўзи боғни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиши, аҳволнинг шу даражага етишига йўл қўймаслиги керак эди. Ахир у раҳбар-ку!

"Болажон" ёшлар истироҳат боғининг раҳбари билан суҳбатимиз ва унинг яқин келажакдаги мақсадли режалари ҳам кўнглимизни илита олмади.

Азизлар, хулосани ўзингизга қўйиб бердик. Агар тегишли мутасадди раҳбарлар газетамизни ҳафсала билан ўқисалар, ўйлаймизки, саволларга ечим топилади, албатта. "Болажон" ёшлар истироҳат боғининг бағридаги доғлар ювилади, қуриган дарахтлар кесиб ташланиб, қуриётганларига эса қайта ҳаёт бахш этилади. Ахир доно халқимиз "Қуриган дарахт хосиятсиз бўлади", – деб бекорга айтмаган.

Шундай экан, "Болажон" ёшлар истироҳат боғи бундан буён ҳеч қачон қаровсиз қолмайди, деб умид қиламиз.





**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: боғдаги хунук манзаралар**
**Ислом ИСМОИЛОВ олган суратлар**

## "101"

# "ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғин.***

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади.

Содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан таҳлилга назар солсак. Жорий йилнинг 10 январь куни Яшнобод тумани, Паркент 7-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган "Семурғ" АЖнинг фойдаланилмаётган биносида электр симининг қисқа туташуви натижасида бино ички йўлак ва шифт қисмининг 20 кв м. майдони ёнган. Яна бир мисол. Фарғона йўли кўчаси, 35-уй олдида очиқ майдонда фуқароларнинг очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлиги оқибатида очиқ майдонда 2 кв м. майдонда шох-шабба ёниши натижасида ёнғин келиб чиққан.

Шу ўринда барча фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши, ўзларининг соғлиғи ва моддий зарар етишининг олдини олишга хизмат қилишини эслатиб ўтамиз. Ана шунда биз ёнғиннинг олдини олган бўламиз.

**Шоҳрўз УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Беҳруз ЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтининг 4-босқич курсантлари**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга уларни жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

**Суръат АГЗАМХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси катта инспектори, капитан**

# ХАЙРЛИ ИШЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

***Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти энг кекса ва инсонпарварлик жамоат ташкилотидир.***

Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман ташкилоти ҳам ўз фаолияти давомида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамият тумандаги бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман ташкилоти Халқ таълими туман бўлими билан биргаликда иш олиб бориб, таълим соҳасидаги ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Бу йилги ёзги мавсумда Халқ таълими туман бўлими томонидан туманда жойлашган 10-, 13-, 45-, 132-, 141-, 186-, 316-сонли умумтаълим мактаблар қошида ўқувчиларнинг ёзги дам олишлари учун оромгоҳлар ташкил этилди.

Мактаблар қошида ташкил этилган ёзги оромгоҳларнинг ҳар бир мавсумида 100 дан ортиқ болаларнинг дам олишлари учун барча шароитлар мактаб маъмурияти томонидан амалга оширилди. Ёзги оромгоҳларда дам олаётган ўқувчиларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш, янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида мактабларнинг кутубхоналари болалар учун турли хилдаги бадиий китоблар билан бойитилди. Шу билан бирга "Билимлар синови", "Энг яхши китобхон", "Ким кўп китоблар жамламасини ўқиганлиги?" юзасидан кўрик-танловлари ташкил этилди.

Мактаблар қошида ташкил этилган мазкур оромгоҳларда дам олувчи ўқувчилар ўртасида турли қизиқарли мавзуларда мусобақалар ўтказилиб, ҳар бир ўқувчи ўртасида жамият фаолиятига доир тушунчалар, гигиена қоидаларига риоя қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида давра суҳбатлари ташкил этилишига эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга ўқувчилар ўртасида жамият фаолияти ва бошқа йўналишлар борасида қизиқарли савол-жавоблар ўтказилиб, саволларга тўлиқ жавоб берган ўқувчиларга турли хилдаги буклетлар совға қилинди.

Яна бир хайрли ишлар сирасига Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман ташкилоти томонидан мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олувчи ўқувчиларнинг соғлигини ҳимоялаш мақсадида 1.816.000 сўмлик биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган турли хилдаги дори-дармонлар олиб берилганини киритиш мумкин.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишларини мустаҳкамлаш, билимларини янада ошириш борасида Қизил Ярим Ой жамияти туман ташкилоти томонидан ҳомий тариқасида пул ўтказиш йўли орқали 2 миллион сўмлик турли хилдаги китоблар Халқ таълими туман бўлимининг кутубхонасига олиб берилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жамият инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ деган тамойил асосида доимий равишда ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилади.

**Барчиной МУХАМЕДЖАНОВА,**
**Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман ташкилоти ижрочи директори**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, Чорбоғ 1-тор кўчаси, 45-уй учун "GLOBAL TRADE" МЧЖ номига 17.02.2017 йилда берилган 3-139/2017 реестр рақамли, кадастр рақами 10:03:07:02:03:0058 бўлган кадастр ҳужжати ва бино-иншоотга берилган TS № 0237515 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 24.04.2017 йилда № 511135 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "HIGHCLASS AUTO SERVICE" МЧЖ (ИНН 304850751) ташкилоти ҳуқуқий шакли "HIGHCLASS AUTO SERVICE" ХКга ўзгартирилаётганини маълум қилади ҳамда манзили Чилонзор тумани, Дўмбирobод 4-тор кўчаси, 16/1-уйдан Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 336-уйга ўзгартирилаётганлигини маълум қилади.

"HIGHCLASS AUTO SERVICE" МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида Чилонзор тумани, Дўмбиробод 4-тор кўчаси, 16/1-уйда кўриб чиқилади.

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Туркистон" ҚФЙ "DOZ TUR LTD" МЧЖ (ИНН 202159862) Устав фонди 9.472.605.426 сўмдан 190.204.887,03 сўмга камайтирилади.
Тел: +99897 737-43-73.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ракат филиалига тегишли, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 2а-уй манзилда сақланаётган "NEXIA DONS" русумли, давлат рақами 01/678 JFA, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 45 959 239 сўм бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2018 йил 1 август куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 30 июль куни соат 18:00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2018 йил 1 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2018 йил 8,15,22,29 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 8 августдаги савдо учун 6 август куни 15 августдаги савдо учун 13 август куни 22 августдаги савдо учун 20 август 29 августдаги савдо учун 27 август куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

***Гувоҳнома №001805***

"GLOBAL ACTIVE BUSINESS" МЧЖ (ИНН 304364066) устав фондининг 4 732 888 872.15 сўмдан 525 000 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 160 "б"-уй. Тел: +99897 710-30-80.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **19 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 22-24, кундузи – 40-42 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 июлда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 735
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5313 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345